

Ранг Англатувчи Лексемаларнинг Француз Ва Ўзбек Тилларидаги Қиёсий Таҳлили

Қудратов С¹

Аннотация: Инсон туғилгандан дунёни рангларда кўради. Рангларни ажратиш турли халқлар маданиятида турличадир. Фанда рангларни ўрганишга турлича ёндошувлар мавжуд. Француз тилидаги ранг англатувчи иборалар таркибидаги сўзларда ҳам грамматик хусусият, ҳам ранг англатувчи сифатлар билан боғлиқ семантик хусусият уйғун тарзда бўлади.

Мазкур мақолада француз ва ўзбек тилларидаги ранг англатувчи иборалар қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: ранг англатувчи лексемалар, лексик маъно, қиёсий таҳлил, ранг англатувчи сифатлар, тил услублари, структур -семантик тасниф, лексик – грамматик хусусият.

Маълумки, инсон туғилгандан дунёни рангларда кўради. Рангларни ажратиш турли халқлар маданиятида турличадир. Уларнинг физиологик, руҳий-эмоционал хусусияти таъсири инсонда акс этишидир. Масалан, қизил ранг мушакларнинг тонусини, қон босимини, нафас олиш ритминини оширади ва инсонга жисмоний ва руҳий куч беради. Рангларни ажратиш турли халқлар маданиятида турличадир. Уни ўрганишда кўплаб ёндашувлар ва рангларнинг кўплаб таърифлари мавжуд.

Ранг - бу кўзимиз илғайдиган ёруғлик тўлқинлари, уни узун-қисқалигига қараб ҳар хил кўраимиз. Ранг фақатгина физик ҳодиса эмас. У инсоният маданий капиталининг ажралмас қисми ҳамдир. Ранглар одамларни ўраб турган оламнинг муҳим қисми, унга ўзгачалик бахш этадиган хусусиятдир.

Ранг табиатда мавжуд барча нарсаларнинг тусини, белгисини, атроф-муҳит гўзаллигини намоён этиш баробарида азалдан улар билан боғлиқ турли кайфият, ўй-кечинма ва ҳис-туйғуларни ҳам ифодалаб келади. Шу боисдан одамлар рангларга катта аҳамият берганлар ва унинг хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Фанда рангларни ўрганишга турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, қадимда философлар Эпидокл, Платон, Демокрит ва Аристотеллар асосий ранг сифатида оқ, қора ва қизил рангларни ажратиб кўрсатганлар. Фанда Исаак Ньютон рангларни физик ҳодиса сифатида ўрганганлигини кўриш мумкин. Буюк файласуф Абу Наср Фаробий фикрича “ранг ялтироқ жисмнинг нимага ялтироқ бўлганининг чегарасидир”.

Тилшуносликда рангларнинг коммуникатив, когнитив, прагматик ва лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш доимо тадқиқот марказида эканлиги ушбу соҳага нисбатан тадқиқотчилар қизиқишининг янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Ранг номлари ва уларнинг ўқув луғатларида ёритилиши муаммолари Г.Ахмедова тадқиқотларида, ранглар билан боғлиқ мифологик қарашлар моҳияти, уларнинг келиб чиқиш асослари тадқиқотчи М.Рўзиева илмий изланишларида, ранг билан боғлиқ рамзий образлар яратишнинг тарихий асосларини ўрганиш, уларнинг халқ ижодида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари Н.Жўматова тадқиқотларида атрофлича ёритиб берилган.

¹ Қарши давлат университети магистранти



Шундай экан, ранг ва унинг реал борлиқдаги сержило тасвирини психологик ва лисоний нуқтаи назардан талқин қилиш фанда ранг борасидаги ғоя ва қарашлар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

Турли халқларда ранглар ҳар хил таркибга ва маънога эга. Ҳар бир халқ рангларни англашнинг ўз йўлини босиб ўтган. Бу ҳолат кўп омилларга боғлиқ. Халқлар турли географик муҳитда яшайди, кундалик ҳаётида турли рангларга тўқнаш келади. Бундан ташқари, улар ҳар хил сиёсий-тарихий йўлни босиб ўтади. Бу омиллар халқларнинг маданиятида ҳам акс этади — атроф-муҳитга қараб, тарихий жараёнларга қараб маданий мерос вужудга келади.

Турли тиллардаги рангларни таққослаш француз, ўзбек, рус маданиятининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Ушбу тилларнинг ранг коннотацияси баъзан мос келади, баъзида эса фарқ қилади.

Ҳамма тилларда энг кўп ишлатиладиган оқ рангининг психологик тавсифига эътибор қилсак, у *поклик, айбсизлик, қувонч, садоқат, тенглик, очиқлик, равонлик* ва *осонлик* тимсоли сифатида талқин қилинади. Ғарб тўй либосларининг оқ рангда бўлиш сабаби, бу ранг фазилатни ифодалайди. Аммо Хитой ва бошқа Шарқий Осиё мамлакатларида оқ ранг мотам ранги сифатида кўрилади. Дафн маросимларида хризантема каби оқ гуллардан ҳам фойдаланишади.

Француз тилида ҳам оқ рангни ифодаловчи “*blanc*” сифати билан ҳосил бўлган кўплаб иборалар бор. Масалан: “*blanc comme une mort*” ибораси ўзбек тилидаги “ранги мурдадек оқ”, “*blanc comme un linge*” ибораси “ранги докадек оппоқ”, “*blanc comme la neige*” ибораси “ранги қордек оппоқ”, “*blanc comme un mur*” ибораси ўзбек тилига “ранги девордек оппоқ” ибораларига мос келади. Бу ибораларнинг барчасида “*blanc*” (оқ) ранг англатувчи сифат қиёсий предметлар билан бўрттириш учун ишлатилган. Аммо бу ибораларнинг қайси бирини қўллаш, ўша ҳолат, нутқ жараёни услубларидан келиб чиқиб танланади. Бундан ташқари, *chèque en blanc* ўзбек тилида суммаси ёзилмаган чек, *signer en blanc* ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғозга имзо қўйиш каби маъноларни англатади.

Француз тилидаги яна бир иборанинг қўлланишига эътибор қаратадиган бўлсак, “*merle blanc*” иборасининг таржимаси “*оқ қарға*”, яъни баъзан жамиятда учраб турадиган баъзи инсонларга нисбатан айтилади. Ўзбек тилида бундай одамларга нисбатан “*отнинг қашқасидай*” деган ибора қўлланилади.

Кўпгина тилларда оқ ва қизил ранг англатувчи сифатлар билан метонимик маъно кўчиш ходисаси кузатилади. Масалан, француз тилида ҳам бу рангларни англатувчи сифатларни гушт номларини билдирувчи иборалар таркибида учратиш мумкин. Масалан, “*la viande rouge*” (қизил гушт) ибораси ёш қўзичоқ ва бузоқ гуштларини англатса, “*viande blanche*” (оқ гушт) ибораси чучқа, товуқ каби гушт турларини билдиради.

Яна бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз, француз тилидаги “*le jour blanc lettre*” ибораси сўзма-сўз таржимада “оқ ҳарфлар билан ёзилган кунлар” деган маънони билдиради, яъни календарда қора билан ёзиладиган иш кунлари, “*le jour de la lettre rouge*”- календарда қизил ҳарфлар билан ёзиладиган кунлар, яъни байрам ёки дам олиш кунларини билдиради.

Ранг англатувчи иборалар таркибидаги синтактик боғланиш ҳам ҳам турлича бўлиши мумкин. Биз қуйида бир неча хилларини кўриб чиқамиз:

1. *От + сифат* бирикишидан ҳосил бўлган иборалар. Масалан:

L’humeur noir – ёмон кайфият;

Le chagrin noir – хафагарчилик;

Le billet vert – доллар;

La langue verte – жинойтчилар тили;

Les velours pourpres – бахмал рангли мато;



La voix blanche – маъносиз овоз;

La nuit blanche – уйқусиз тун;

L'arme blanche – хавфли қурол.

2. *Ранг англатувчи отлашган сифатнинг от ўрнида қўлланиши:*

La pourpre de ses lèvres - лабларнинг қип-қизиллиги, лабларнинг лалиси;

Les noirs d' Afrique – Америка негрлари.

3. *Феъл + отлашган сифат* бирикишидан ҳосил бўлган иборалар.

voir tout en noir - умидсизликка тушиш;

voyager dans le bleu - орзу қилиш, осмонда учиб юриш;

mettre qn. en blanc – ўғирлаш, кимнидир талаш;

passer au bleu – йўқолиб қолиш, кўринмай қолиш;

dire blanc et noir – бир ундай, бир бундай дейиш, ҳар хил гапириш;

faire grise mine à qn. – кутиб олиш.

4. *Қиёслаш маъносини билдирадиган* иборалар таркибида:

Méchant comme un âne rouge – эшакдек қайсар, қип-қизил қайсар;

Il fait noir comme dans un four – гўрдек қоронғу ва х.

Ранг англатувчи иборалар бошқа иборалар каби шакли, лексик таркиби ва маъно жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хосликлар тилдаги умумий хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Тилда бу каби ибораларнинг таржима хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги турлари фарқланади:

1. Эквиваленти, яъни таржимаси ўзгаришсиз, ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан мос тушадиган, контекстга мувожаат қилиш шарт бўлмайдиган иборалар. Масалан:

Le sot ne connaît ni le blanc ni le noir - Оқ ва қорани ажратмайдиган ахмоқ.

Les mains noires font manger les lains blancs - Оқ нонни қора қўллар етиштиради .

2. Вариантлар мос келиши. Мазкур фразеологик ибора учун мос келадиган бир қанча вариатларни беришнинг имкони борлиги. Лекин уларда лексик - семантик, стилистик томонлардан бирида фарқ бўлиши мумкин. Масалан:

La nuit, tous les chats sont gris - Тунда яхши ёмонни ажратиш қийин.

Qui vole un oœuf, vole un bœuf - Игна ўғирлаган, сигирни ҳам ўғирлар.

3. Изоҳли таржималар, яъни эквивалент ҳам, бирор вариант келтиришнинг имкони йўқлиги. Ушбу ҳолатда мазкур фразеологик ибора қандай пайдо бўлгани ва қандай ҳолатларда қўллаш лозимлиги контекст орқали изоҳланади холос.

Фразеологик ибораларда ранг номларининг иштирокига келсак, юқорида кўриб чиққан фразеологик иборалар, улардан пайдо бўлган мақоллар таркибида ранг, тус билан аталган номлар иштирок этади.

Фразеологик ибораларда ранг англатувчи лексема тилда, мулоқотда ва адабий асарларда стилистик бўёқ бериш учун ишлатилади. Рангларнинг адабиётда ишлатилиши доимий адабий мавзулардан бўлган асосан яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашни ифодалашда кўпроқ қўлланилади. Масалан, француз тилида ҳам қора ранг барча тиллардаги каби ёмонлик, ёвузлик, ўлим, фикрларнинг бузилиши каби салбий маъноларни англатади. Шундан келиб чиқиб, бу ранг билан берилган ибораларнинг аксарияти салбий фикрларни билдиради. Қуйидаги



мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак “*avoir des idées noire*” – қора ниятли бўлмоқ, яъни, ҳар иккала халқ французлар ҳам, ўзбеклар ҳам бу иборани нияти ёмон кишиларга нисбатан қўллайдилар.

Ёки: “*la peur noire*” – ақлдан озиш даражасидаги қўрқувни англатади. Ўзбек тилида “*ўлғудай қўрқмоқ*” ибораси қўлланади. Француз тилидаги “*noire*” (қора) сўзининг стилистик хусусиятига кўра ўзбек тилида “ўлғудай” сўзи унга синоним, яқин маънодош сифатида қўлланилади.

Айниқса, бирор рангга таққосланган ибораларнинг ўзбек тилидаги вариантлари кўпроқ мос келиши мумкин, лекин бу таққослашлар ўзбек тилида бошқа вариантлар билан берилиши мумкин. Масалан, француз тилидаги “*blanc comme un cygne*” иборасини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилганда “*оқ қушдай оқ*” деб таржима қилинади, лекин ўзбек тилида “*қордай оқ*” ёки “*пахтадай оқ*” деган иборалар мавжуд.

Биз юқорида француз тилида ранг англатувчи иборалар тарихидаги синтактик боғланиш ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси билан боғлиқ муаммолар хусусида қисман фикр юритдик.

Шундай қилиб, ранг ифодаловчи лексиканинг қиёсий-чоғиштирма тадқиқи нафақат лингвистик омилларни, балки ранг англатувчи лексиканинг ролини ҳам белгилайди. Буларнинг барчаси: миллий психология ва онг хусусиятлари, халқларнинг урф-одатлари, маданий анъаналар, турмуш тарзи, шунингдек, турли ҳолатлар, объектив ҳақиқат фактлари каби бир қатор экстралингвистик омиллар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдушукурова Л.А. *Stilistique d francais moderne*. -Т., 2004. –б. 43.
2. Абу Наср Фаробий. Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар. – Т.: Фан, 1953. -74.
3. Ахмедова Г.Ю. Ранг номлари ва уларнинг ўқув луғатларида ёритилиши таҳлиллари. *SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 3/ISSUE 3/ 2022*. - Б.887-888.
4. Балли Ш. Французская стилистика. 2-е издание. -Москва, Эдиториал УРСС, 2001. – 392 с.
5. Бушуй А. Терминалогическая проблематика в области паремиологии (в свете истории паремиологии). *Строй языка и методы иностранному общению*. Вып. Самарканд. 1998. –С. 10-21.
6. Жўматова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар. Филология фанлари номзоли илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.:, 2020. - 126 б.
7. Журақобилова Ҳ. Француз ва ўзбек тилларидаги ранг англатувчи фразеологик иборалар тадқиқи. *ЎзМУ хабарлари*, 2022, 1/2. -Б. 238-242.
8. Рўзиева М.Ё. Ранглар билан боғлиқ мифологик қарашлар моҳияти. *Образование и инновационные исследования*. 2022, №4. - Б. 39.
9. Назарян А. *Curiosités de la phraséologie française*. -Москва, 1978. – 159 с.
10. Назарян А.Г. *Фразеология современного французского языка*. -М, «Высшая школа», 1987. – 288 с.

